

«Hilol Nashr» нашриётига Англиянинг Брентфорд шаҳри муфтийлари ташриф буюришди



18:00 / 22.08.2024 1455

2024 йил 22 август куни Англиянинг «**Илмул ирфон**» зиёрат туризми ташкилоти аъзоси, Брентфорд шаҳри муфтийси Муҳаммад Ишфок ҳамда муфтий Муҳаммад Зубайр ҳазратлари бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар юртимизга ташриф буюришди.



Меҳмонлар дастлаб «**Hilol Nashr**» матбаа-нашриётининг бош дўконига ташриф буюриб, бу ердаги китобларни, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий мерослари ҳамда адабий-бадий асарлар билан яқиндан танишдилар. Улар шайх ҳазратларининг ҳаёт йўллари, илмий мерослари ҳақидаги маълумотларга эга бўлдилар.







Шундан кейин меҳмонлар «**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**» номидаги масжидга келиб, масжид хонақоҳи ва у ердаги қулай шароитлар билан яқиндан танишиб чиқдилар. Зиёрат асносида азиз меҳмонлар икки ракат намоз ибодатини адо этиб, юртимизга тинч-осойишта, фаровон ҳаёт тилаб, юртбошимиз олиб бораётган хайрли ишларга ривож сўраб, дуолар қилдилар.







«Юртингизга ташриф буюрганимизга икки кун бўлган бўлса-да, биз фақат миннатдорлик ҳиссини туймоқдамиз, халқингизни мемондўстлиги бизни хушнуд этди, ҳатто ёшларнинг бизга салом беришидан гуруҳимиз жуда ҳам таъсирланди», дея таъкидлайди муфтий Муҳаммад Зубайр ҳазратлари. –Юртингизда масжидларга бўлган эътибор, масжидлар қурилишининг сони ортаётгани, бу ердаги халқнинг ихлоси, уларда Аллоҳнинг байтига бўлган муҳаббатни кўриб шавқимиз, ҳавасимиз келди.

Меҳмонларнинг юртимиз бўйлаб зиёратлари давом этмоқда.